

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 113 (6. 602)

1988 йил 18 май, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

Коммунистлар анжумани шарафига

Юксак аҳдга яраша

«Компрессор» заводининг маҳсулотларига республикадан ташқарида ҳам эҳтиёж катта. Бу корхонада ишлаб чиқариладиган турли таркадиган компрессорлар кейинги йилларда хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинган.

Шу кунларда корхона аҳли мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Бутунитифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кенг қўллаб кўришмоқда. Ўзлаб ишлаб чиқариш илгорлари партия анжуманидаги ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йиллик планини бажаришга қатъий ҳаракат қилишга эришди. Жумладан, компрессорларнинг саноатчи Фатхулло Одилов ана шундай фидокор ишчиларнинг бири. У ҳозир зарбдорларча меҳнат қилаётган. Смена нормасини ортгани билан сифатли адо этмоқда. А. Болшинов ҳам ана шундай саҳонатли қалб эгаси. У тўрт хил металл қирқувчи дастгоҳда ишлаб олади. Токарь Х. Миродилов эса бир қатор турдош касбларни ўзлаштириб олганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Уччала ишлаб чиқариш илгори смена топириқларини мунтазам 130 процент адо этиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга эришишмоқда.

Пландан ташқари

Химия-фармацевтика заводи қадоқловчилари К. Татарникова ва Л. Собирова илгор усуллардан кенг фойдаланиш асосига смена топириқларини мунтазам 125—130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Улар шу яқин кунлар ичида ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топириқини бажарганликлари ҳақида галаба рапортига имзо чекишди.

Корхонанинг ветеран ишчиси З. Ховочилова ҳам Бутунитифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўтказилган социалистик мусобақада пешқадамлар сафида борапти. Бу ишчи кунини-кеча 6 ойлик топириқини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Завод ихтирочилари турдош корхоналар ўртасида биринчи бўлиб автоматик линияни такомиллаштириб сендиксини дорисини ўрашга мослаштиришди. Бу билан агрегат юксак меҳнат унвдорлигига эга бўлди. Энди соатига уч минг комплектдан кўпроқ дори ўрай олади.

Боғлаш материаллари цехидаги мусобақада Г. Қўлдошева ва М. Қосимова бошчи бригадалар яхши натижаларга эришмоқдалар. Бугунги кунгача улар беш ойлик топириқини бажариб бўлишган.

Корхонада ҳозиргача қўшимча 197 минг сўмлик доридармонлар тайёрланди.

Д. ОБЛАЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде суҳбат

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов Ўзбекистонда ўтказилган ва Орол денгиз муаммоларига бағишланган «Экология ва адабиёт» Бутунитифоқ тематик учрашувида қатнашган. Ўзбекистонда ва олимлар гуруҳининг 17 май кунини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Р. Н. Нишонов ноҳар табиий суҳбаси асосида ва бутун Орол бўйи региониде юз берган ҳозирги вазият билан боғлиқ бўлган масалаларга батафсил тўхталди, бу вазиятни соғломлаштириш истиқболлари, ана шу районда экология, социал-иқтисодий ва санитария шартининг яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. Бу соҳаларда мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ошқоралиқнинг, жамоатчилик фаоллигининг роли таъкидланди.

Суҳбатда ҳозир бўлган ўрта Осиё республикалари ва Қозғистондан, мамлакатнинг бошқа регионларидан келган ёзувчилар ва олимлар кенгаши жараёнида Орол денгизини қайта қуришнинг тақдири — ўқитувчининг қўлида

Шу май кунлари совет педагогикасининг аса вакиллари Ўзбекистон пойтахтида бўлишди. 17 май кунини Санъат саройида «Ташлим-тарбия жараёнини ташқил этишнинг асосий формаси бўлиши дурс самардорлигини ошириш» мавзусида Бутунитифоқ VIII педагогика кенгаши тантанали равишда очилди. Унда Совет Иттифоқининг турли жойларидан келган мингта яқин ўқитувчи, олим, халқ таълими ташқилотчилари қатнашмоқдалар.

Кенгаши ташқилот комитетининг раиси, СССР Педагогика фанлари академиясининг вице-президенти А. А. Бодяев очди.

КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль пленуми қарорлари асосида совет педагогикасининг халқ фанлари тўғрисида СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин доклад қилди.

Мамлакатимизда авж олиб кетган ўз миқёси ва аҳамияти жиҳатидан зўр қатта қуриш ёш авлодга таълим ва тарбия беришга янгила ёндашувларни талаб қилади, деб таъкидланди кенгаши очилиши пайтида. Социализм тақдирининг ўзи мактабнинг қандай бўлишига боғлиқ.

Яқин йилларда бутун халқ таълими системаси тубдан қайта қурилиши лозим. Мактаб мустақил бўлиб қолиши, унинг бутун турмуши ва фаолияти демократик негизларга қурилиши керак. Ўқитувчилар, мактаб ёзувчилари, ота-оналар орасидан сайлаб қўйилган кенгаши мактабдаги асосий бошқарув органи бўлиши лозим. Кенгашига директор бошчилик қилади ва унга тўла-тўқис ҳисобот бериб туради.

Ўринсиз равишда ошириб юборилган ўқув программа-ларини қисқартириш ҳар бир боланинг шахсий қобилиятларини тўлиқроқ намоён этишга имкон беради. Иккинчи сўнги сифда. Урганиладиган предметлар сонини 11 тайдан 5 тагача топириқлини тақлиф қилинади. Она тили ва адабиётини мажбурий бўлади. Қолган фанларини ўқувчи ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб танлаб олади.

Мактаб билан ҳунар-техника билан юрти ўртасида уювжуда келган мусоабатлар тубдан ўзгарилади, шу пайтга қадар энг заиф ва интизомсиз ўқувчилар ҳунар-

гизини ҳамда Орол бўйи районларига сафарларидан олган таасуротлари ҳақида сўзлаб бердилар. Улар самийий кутуб олганликлари, Бутунитифоқ учрашуви қатнашчиларининг республикада самарали иш олиб боришга яхши шайорат яратиб берганликлари учун миннатдорчилик билдирдилар, шунингдек Орол денгизини ва Орол атрофи муаммолари бутун совет халқи манфаатларини қўзлаб ҳал этилади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

техника билим юртларига юборилар эди. Мамлакатимиздаги халқ таълими системасини қайта қуришнинг бир қанча бошқа жаҳатлари ҳақида ҳам гапирди.

Кенгаши очил маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигини қатнашчилари Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишчен, П. В. Догонкин, Г. Х. Қодиров, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

Бутунитифоқ VIII педагогика кенгашининг қатнашчилари тўрт кун давомида санқиз секцияда ишлайдилар. Тошкент шаҳри ва областининг мактабларини, ҳунар-техника билим юртларини бориб кўрадилар. Нишомий номидаги Тошкент педагогика институтини, республика педагогика фанлари илмий таъдиқот институтини, бошқа муассасаларда бўладилар. Педагогиканинг энг муҳим муаммоларига бағишланган «давра суҳбати»нинг бир неча мажлисини ўтказиш режалаштирилган.

(ЎзТАГ).



«Алло... Истагингизни эшитамиз...»

16 май кунини бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотимизда оқшомхонлар «Шанба оқшомини» саҳифасида берилган материаллар, ёзувчи Яра Саъдуллаеванинг «Онанинг сўнги тилиги» ва «Шикаста дил олмас» материаллари чиққандан сўнг бошланган баҳсини яқинловчи мақоласи ўзларига маъқул бўлганлигини айтишди. Қўйида эса сиз газетхонларнинг мулоқот давомида билдирган фикр-мулоқазалари ва истақлари билан танишасиз.

Қорақамши 2/2, 37-уй, 12-квартирада турувчи Гулсара Мусоева ва 248-мактаб ўқувчиси Каримжон Бурхоновлар:

— Биз яшаётган уйлариини ёзда иссиқ, қишда совуқ дейишди. Негаки шу пайтгача иситиш системалари ўчирилмаган. Айниқса, иссиқ кунларда уйда ўтириб бўлмайди. 104 ва 43-ЖЭКларга қилган мурожаатларимиз натижасиз қолмоқда. Совуқ кунлар бошланганда эса ақинча бўлади.

«Марказ—13», 17-уй, 13-квартирада яшовчи Олимажон Комилов ва Сергел—1, 17-уй, 17-квартирада яшовчи Қобилжон Ботировлар:

— Мабоодо биз томонларга келиб қолсангиз, сира-сир яшаётган уйлариимизнинг ертўласига туша қўрманг. Ақ ҳолда қўйиб кетасиз. Сузишини яхши биламан деб. Келадиган бўлсангиз, унда елбатта ниқоб кийиб олинг. Бўлмаса уш сувада кун қўрадиган пашша, чивини, бурғаларга ел бўласиз. Агар ишонмасангизлар гапларининг ростлигини бизларнинг уйимизга қаровчи ЖЭК раҳбарлари тақдирлашадилар. Улар буни жуда яхши билишадилар, шунинг учун ҳам биз томонларга қадам босишмайди.

Чингиз Маҳсумов, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Юнусобод массиви, 14-квартирада яшайди:

— Утган кунини тунда неварамнинг мазаси бўлмай «тез ёрдам» чиқарганим. Икки соат давомо қилиб юрмаклар. Иккинчиси: қўнғироқ қиламан деб

полни беҳуда сарфламалар. АТС ишга тушгандан бери ордан ўтган 6 ой давомида қандайданқана дўстларимизнинг «нега бизни алдадинг» деб ҳафа бўлганлари ҳам етар.

Эльмира Газиева, Ҳамза районидеги «Галабанинг 40 йиллиги» массиви 21-уй, 22-квартирада яшайди:

— Уйимиз қаршисидеги болалар майдончасига машина эгалари ўзбошимчилиги билан гараж қуриб олишган. Фарзандларимиз учун уйнайдиган жой йўқ.

Махфуза Усмоновилова «Ташкестимилш» заводи кутубхонасининг мудариси:

— Ҳозиргина бозордан қайтдим. 1 сўмга 4 дона сабзи олдим. Бир тийин ҳам қамайирилмади. Битта аёллар қўйлагини тикириш 350 сўмга тушса, тузукроқ эркеклар қўйлагини 70 сўм, болаларники 40 сўм бўлса бу қандай гап! Нега бу ҳақда очик-ойдин ёзмайсизлар!

Наргиза Раззоқжонаева, ТошДУнинг 1-курс студенти:

— 14 май сониде «Замондошимиз» рубрикаси остида берилган «Бахтли одам» мақоласи жуда ёқди. Сурати ҳам қийинчи олинган экан. Катта раҳмат сизларга!

Захро Юсупова, халқ депутатлари Оқтўбры район Советининг депутаты:

— Ўтган фарзанди бўлган аёлларга фарзандларини болалар боғчасига жойлаштиришда имтиёз бериладими? Ҳоланда Абдуллажонаева, Қорақамши 2/4, 6-уй, 17-квартирада яшайди:

— Одоб-ахлоқ, саноат ва ваффо тўғрисидаги материалларни кўпроқ берсангизлар. Айниқса, фарзандларини тарбия қилишда имтиёз бериладими? Иккинчиси: қўнғироқ қиламан деб

«Ишончли мулоқот» қабулхонасидан:

Шу кунини бизга қўнғироқ қилган Лайло Расуллова («Галабанинг 40 йиллиги» массиви, 12-5 уй, 88-квартира) ва Саодат Жабборова, С. Раҳимов районидеги 106-болалар боғчасида ишлайдиган битта саовил билан муножаат этишди: «Қандай ва шакар йўқ бўлади, фақат талон билан берилади, деган гап тарқалди, шу ростми!»

Хўрватлик Лайлохон ва Саодатхон!

Агар эсласангиз кейинги йилларда бир неча марта шунга ўхшаш гаплар тарқалди. Биринчисида «Сарниё бўлмас экан», деган, кейингисиде «80 тийинлик гуруч чиқарилма экан» деган ва нҳоят 1986 йилда «Эгир ёғ талон бўлибди, борида олиб қол» деган. Ҳар сафар бундай ваҳима гаплар тарқалганда одамлар мағзинларга ёпирилишди, керагидан бир неча марта кўпроқ сотиб ҳам олишди. Кейинроқ эса, «Егларим эриб кетди», «Гуручга мита тўшди», «Аҳмоқ бўлмасам шу

гапга ишонмаманми», деган гаплар тарқалди. Агар эътибор берган бўлсангиз буларнинг ҳаммаси ҳам харидорлар, ҳар бир оиллада кунда ишлатилмадиган маҳсулотлар. Энди фарз қилинг: бир мағзиндан бир кунда ўрта ҳисобда 100 киши 2 килодан сарниё олсин. Ҳақини гапдан кейин эса улар ҳар бўлмаганда 4 килодан олишадилар. Агар 10 килодан олшасанки! Табиийки ўзларига ўхшаган ўнлаб, юзлаб одамлар сарниёсиз қолишадилар. Қўриб турбисизки маҳсулот тақсирлигини, қўриқидеги ваҳима гапларнинг тақдирини тайёр. Уйлаймизки шакар ва қанд тўғрисидаги миш-мишлар ҳам навбатдаги, аммо мўтлақо эссизиз гаплардир.

Пировардиде «Ишончли мулоқот»да қатнашган барча оқшомхонларга миннатдорчилик билдиримиз. Келгуси дундашда яна қўнғироқ қилишганингизларни кутамиз.

«Ишончли мулоқот» навбатчиси: Фаррух РАҲИМОВ.



«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси илгор ишчилари Бутунитифоқ XIX партия конференцияси қабул қилган социалистик мажбуриятларининг ҳар бир бандини пухта адо этиб бормоқдалар.

Корхонанинг УПХ—1.5 В, СХУ—4—1, ПХГ—4 маркали курак чувийдиган машина ва селкалар мажлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам шуҳрат қозongan.

3-механика цехи ишчилари иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиб, қўи ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бор қуч ва имкониятларини сафарбар этишяпти. Айниқса, коммунистлардан А. Азаматов, Т. Иванов, О. Шингарев сингари тажрибали ишчилар бу борада фаоллик кўрсатишяпти. Айни кунларда смена топириқларини 135 процентдан адо этишмоқда.

Янгиланиш йўлидан

Сифат назорати

Хамма илгор корхоналар қатори электр-рўзгор бўйларини заводи коллективини ҳам Бутунитифоқ XIX партия конференциясини муносиб соғвалар билан кутиб олиш учун ўзаро меҳнат беллашувини авж олдириб меҳнат қилмоқда.

Партия анжумани шарафига йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақада 1-цех ишчилари голиблик қилишмоқда.

Цех ишчилари айни кунларда янги қандилини ишлаб чиқаришга қўйди. «Н» индексли бу маҳсулот хонадонимиз чиройига яна бир гўзаллик ҳада этади.

Конференция очилмадиган кунгача йиллик топириқини бажариш учун давом этган меҳнат беллашувиде Манзура Мамадаимова, Майсара Гозиева, Фаридат Қаландарова каби ишчилар пешқадамлик қилишяпти.

Бахтли тақдир

Умрининг энг ширин фасли — бегубор болалик. Лекин у яхши замон, бахтли даврда ўтса экан. Собит ақанининг болалиги эса уруш йилларига тўғри келди. Оқлик, юнунлик, йўқчилик, уруш хавфи одамларни ларзага солган пайт. Ҳамма ёқда вайронагар-ўлик. Бу кулфатлар, айниқса урушдан кейинги йиллари биллиди. Ишчи кучи оз, иш-юмуш тоғ бўлиб ётарди. Қурилишдаги аҳволнинг ачинарли эканини айтмаса ҳам бўлаверадилар: ишлар ўлда-жулда, бинолар чала. Одамларга эса қўйлаб уй керак.

Собит ака мактабни битиргач, ўйлаб юрган қатъий ниятини уйдигиларга айтиди:

— Ўқиб бўлса қочмас... Мен ишламоқчиман. Бу ёғи рўзгорини ҳам ўйлаш керак. Укаларим ҳам катта бўлишяпти.

У шундан бўён меҳнатда. Қарерда ишламасини ҳалол меҳнат қилиб юзи ёруғ, қадамини кутул бўлади. Ўзгачадан нима зарур бўлса, эриямай ўрганди. Бора-бора қурувчилик касбинини танлаганидан хурсанд бўла бошлади. Тажриба ортдириб қўи пишга, «Ташводстрой» трестининг 1-механизацияланган кўча колоннасини ишга келди. Маана, салкам йигирма йилларда, у шу ерда тер тўкиб меҳнат қилмоқда, ўз тақдирини ўзи яратмоқда.

— Ёғиш терувчилар дозик иш — дейди Собит ака вазинин оҳангда. — Вирон ерда олгини хатога йўл қўйилиши, бас, деворнинг ади чикилиши, мустаҳкамчилиги пугтур етади. Шунинг учун ишчи гийитин терида доим синчков бўлиш керак. Ҳар бир қурувчи ўзи бунёд этган уйда одамлар ишларини унутмасин. Раҳмат этиштин — бинокор учун катта бахт. Объект — ҳалол меҳнат қилмадиган майлон, айримлар ўйлаганидек «куним ўтса бўлди», дейдиган жой эмас.

— Ҳозир қарерда ишлайсизлар?

— Ҳозир Беруний кўчасида турар жой биноси қуришяпти. Дмитрий Влакогеоргеос бошчилик қилаётган бригадаишда турли ийилат вакиллари ака-укадек ишга бўлиб ишлашяпти. Икки укам ҳам меннинг касбинини танлашди. Аҳмаджон — ёғиш терувчи, Муҳаммаджон — электр пайвандчи. Уч ака-ука ёйна-ён ҳалол тер тўкаётганимиздан фахрланаман.

Фахр? Бу ақанинг укаларидан, укаларининг ақадан миннатдорчилик туйғуси, бу Собит ака ҳаётда тўғри йўл танлай билганининг нишонаси!

Халқимизда яхши бир нақл бор. «Касбиндан барака топ», «Эл-юрт учун уй қурган, кўпирин солган кам бўлмайди».

Собит ака Юсупов ҳам касбидан барака топгани, ҳаёти фаровон, турмуши ширин, меҳнат гаштидан лаззатланиб ишяпти.

Р. МУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: С. Юсупов.

Т. Каримов фотоси.



ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ СИФАЛАРИДАН

ПРАГА. Чехословакиянинг Готвальдов шаҳрида «Бутун дунё болаларига тинчликни ширин остида болалар филмлари фестивали» очилди. Кинематография йилномасидаги дастлабки фестиваллардан бири бўлиши бу фестивал 28 марта ўтказилмоқда. Бу кўрик Болгария, Польша, Совет Иттифоқи, Франция ҳамда Чехословакия болалар киноси (бадний ва мультипликация) усталарининг иккидан иккиларини намоён этишга, тақлиф этилганлар орасида бошқа қўлгине мамлакатлардан келган режиссёрлар, актёрлар ва кино танқидчилар бор.

РИМ. Италиянинг Сардиния оролида навбатдаги террорчилик ҳуруни қилинди. Нуороллополида Дезоло шаҳрида экстремистлар турар жой биносининг дарвозаси оланда кучли бомба портлатилган. Бахтли тасодиф тўғрисида ҳеч қандай азият келмади. Бинога катта моллик шикаст етказилди.

Италия ахборот агентлиги жамоат тартибни сақлаш мақсади билан портланган ташкил этишда шубҳаланган киши кишини ушлашга муваффақ бўлганликларини хабар қилди.

ВЕНА. Бугун бу ерда Варшава Бутунмиссида ва НАТО-да қатнашувчи давлатлар вакиллариини Атлантикдан Уралгача Европадаги қурулган кучлар ва оддий курулган қурулган қисқарткиш тўғрисида бўлжак музокараларини мақдудини ишлаб чиқиш хусусидаги масалаларларига доирасида навбатдаги учрашув бўлди. Музокараларини ташқил этишга ва ўтказиш тартибига тааллуқли бир қанча масалалар хусусиде ишда илжирга эришилди.

НЬЮ-ЙОРК. Афғонистон теваригидаги аҳолини сиёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисидаги Женевда бўлиладиган ишлаб чиқиш жараёни бошланганде БМТ Бош секретари жуда манундир. Афғонистон теваригидаги аҳолини бартараф этиш юзасидан БМТ Бош секретарининг вакили Диего Кордовес бугун БМТ қароргоҳида ўтказилган матбуот конференциясида шунини айтди.

Бу биткиларга музокаралар олиб бориш йўли билан эришилганини ва ҳар қанча томон уларни ҳалол бажариш ниятида эканлигини таъкидлаш мўмкин, деди у. Кордовес совет қўшинларининг қанган қисмларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш хусусида совет томонини берган ишлардан БМТ тўла-тўқис қаноат ҳосил қилганинини ўқтирди.

Корхонамизнинг шуҳрати ҳақида ҳозир алоҳида гапириб ўтиришга зарурат йўқ. Бунинг учун исталган савдо шохбасчасига кириб ҳаридорларнинг талаби ўрғинлабас. Ҳамма нарсаси оқинлашади. Бирлашмамиз ердиги туширилган маҳсулотларга йил сайин ахтиржа кучайиб бораёпти. Республикамизнинг деярли ҳамма жойида қўли гул чеварларимиз тайёрлаган буюмлар севиб ҳарид қилинаётир. Бу қувончли ҳол, албатта. Қаердаки ҳаракат, ўз иши учун фидо-йилиш кучли бўлса, ютуқлар ҳам мустаҳкамлашиб бораверади.

Бизда янгиланган интилишнинг илк ҳаракатлари анча барвақт бошланди. Ҳали ҳўжалик ҳисобининг қатъий талаблари ўз таъсирини ўтказмасиданоқ интисодий экспериментга қўл урди. Шаҳримиздаги етакчи савдо корхоналари ўртасида биринчи раунд қатори ўзини ўзи бошқариш ва ўз ҳаракатларини ўзи қоплаш шароитида ишлашга ўтди. Экспериментдан қўланган асосий мақсадлар бу ишга қўл урилган ўша 1987 йилининг ўздаёқ юзасига чиқа бошлади. Ишчи жадаллаштиришнинг муҳим резервлари олиндианоқ мавжудлиги дадил одимлашмишда қўл келди. Муҳим социал соҳалар бўйича яратилган қўлайлиқлар унумли меҳнат пойдеворига асос бўла олди. Инсон омилини активлаштириш ва фаоллаштиришга бўлган талабни кучайтирдик. Бу билан боғлиқ бўлган ишларни кенгайтиришга зарур эъ-

муваффақиятлар бажариб келинмиш. Биринча шу йилининг дастлабки кўралини олиб қўйилди. Ҳаёқ истамоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича план 104,2 процентни ташкил этди. Тошхиринда қўшима тайёрланган маҳсулотнинг ҳажми 202 минг сўмликдан ортиб кетди. Бошқа иқтисодий-техник кўрсаткичларда ҳам ана шундай қўвончли натижалар кўзга ташланади.

Хўжалик ҳисобига—кенг йўл

Фойдаси қувонтиради

Мизнинг мустаҳкамлашиб бораётган алоҳида улуш қўшилди. Бир сўз билан айтганда, ўтган икки йил ичида бирлашмамизнинг ўзини ўзи бошқариш механизми такомиллашди. Хўжалик юртишнинг янги омиллари юзасига келди. Бу эса ўз-ўзидан ишлаб чиқаришнинг интисовини ривонлаштиришмишга етарлича имкон берди. Корхонамизнинг иқтисодий имкониятлари анча кенгайди. Олинган фойда ҳисоби-га реконструкцияни амалга ошириш, янги техника билан ишлаб чиқариш участкаларини жиҳозлаштиришдаги баъзи бир қўлайлиқлар юзасига келди. Ҳозир барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар бўйича давлат планларини

Шуниҳи характерлики, ўтган ойлари давомида бирлашмамиз муҳри туширилган маҳсулотларнинг биронтасига ҳам рекламация олмадик. Савдо шохбачалари билан ташқи алоқани мустаҳкамлаш ва жойларда истеъмолчиларнинг талабларини кенг ўрганиб бориш бунга замин яратди. Харидорнинг талаби ҳар доим ҳақли талаб. Уларнинг эътиҳежларини мунтазам ўрганиб бориш, маҳсулотларнинг янги модель ва нусхалари устида тинимсиз изланиш бугунги куннинг энг муҳим йўлига айланди. Биз ҳам бу борарда тинимсиз изланишга Ҳозирчага бирлашмамизда шартнома баҳо-лари, «Янгиланган» индекси бўйича тайёрланаётган маҳ-

вишга солаётган баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Ундан қўтилишнинг йўллари изланилмиш. Зарурларини юқори ташкилотларнинг ҳужумига ҳавола этилмиш. Аммо ҳали силкиш учалик кўзга ташлангани йўқ. Ана шундай кескин муаммоларнинг бири Қўрақалдоғистон АССРнинг Мўйноқ шаҳридаги филиалимизнинг ҳозирги тақдирини билан боғлиқ. Хўжалик ҳисобига шу йилининг бошидан бошлаб тўла ўтганимиздан сўнг бу филиалнинг бизга фойдасидан қўра қўпроқ зиёни тегадиган бўлиб қолди. Авваллари ҳам шундай эди. Ҳар йили бу филиалимиз йиллик қўвватининг тенг ярми миқдоридангина маҳсулот ишлаб чиқариш-

лият кўрсатаётган хўжалик кенгашининг йилгида қабул қилинган қарор ҳам тўла тасдиқлади. Аммо кейинги босқичдаги ишлар юришмай турибди. Агар министрлик бу масалани икбий ҳал этса, икки томон ҳам унинг самарасидан тўла манфаатдор бўлган бўларди.

Яна бир муаммо—олинган фойда ҳисобига капитал қўрилишни қай тарзда амалга ошириш билан боғлиқ. Маъна ҳам, шу ишлар учун ҳаракат ҳам бизда етарли. Аммо қўрилишни қайси ташкилот олиб боради. У ҳозирги кунда биз учун ташвишли масалаларнинг бири бўлиб турибди. Ўзимизда эса бундай имконият йўқ. Қўрилиш ташкилотла-

рининг аллақачон йил давомида олиб бораётган ишлари тасдиқдан ўтган. Замоноҳий техника билан цехларимиз жиҳозланганини масаласи ҳам бугунги кун тартибиди. Тўғри бундай ишлар қисман амалга оширилмоқда. Аммо бу иш кўда секинлик билан кечаяпти. Жадаллаштириш ва қайта қўриш талабларига у ҳали тўла жавоб бера олмайди.

Агар бизга зарур бўлган техника мамлакатимизда етарли миқдорда ишлаб чиқилганда эди, ташвишларимизга заррача бўлсада, ўрин қолмасди. Янги техника ишчиларимизнинг оғирини енгил қилган бўларди. Шароитларини янада енгиллаштиради.

Муаммолардан қўчиб, ишчи ўз ҳолига ташлаб қўйётганимиз йўқ. Имкониятларимиз даражасида ишлаялмиш. Намчиликларга қарши муро-росасиз курашялмиш. Натижалар шуни кўрсатаптики, хўжалик ҳисобининг фойдаси катта: меҳнат кол-лективининг ўзини ўзи бошқариш шароитидаги ҳўқуқини янада кенгайтиради. Ахир, ҳар ким ўз корхонасининг тўлақонли хўжайини бўлиб қўлиши ҳам керак-да. Бу эса қайта қўриш талабларига тўла мос тўшади.

Н. СИМАШЕВА,

Ленин ордени ўзбекистон ССР ва ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери ўринбосари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХВИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Ватанпарварлар

ҳарбий ҳаракатлари

кучайтирмоқдалар

ГАВАНА. Кейинги ҳафта давомида Сальвадордаги Ду-арте режимининг қўшинлари қўзғолоңчиларга қарши жангларда ўлганлар ва ярдор бўлиб, 228 солдат ва офицердан маҳрум бўлди. Партизанларнинг «Венсеремос» радиостанцияси хабар қилишча, Фарабундо Марти номидаги мылий овозлиқ фронт мамлакатнинг бир неча департаментиди айланиб бори вақтда ўз операцияларини

кучайтириб юборди. «5 ноябрь» тўғонини қўриқлаб турган қўшинларга айнисса қаттиқ зарба урилди. Бу ерда ватанпарварлар 100 га яқин қотилини сафдан чиқардилар. «Венсеремос» радиостанциясининг хабарига қўра, ўтган ҳафтадан қўзғолоңчилар Америкарида ишлаб чиқарилган вертолётни уриб туширган ва қўл миқдордаги қўролар-яроғини, шу жумладан гранат отадиган қўроларни қўлга туширган эдилар.

Францияда муддатидан

илгари парламент

сайлови ўтказилади

ПАРИЖ. Франция президенти Франсуа Миттеран миллий мажлисини тарғабти юбориш ҳамда парламент қўйи палатасига муддатидан илгари сайлов ўтказишга қарор берганлигини эълон қилди. Сайлов ваколатиди органларга вакиллар сайлаш системасида икки даврда ўтказилади. Биринчи давр 5 июнга, иккинчиси 12 июнга белгиланди. Давлат бошлиги сайлов ўтказиш зарурлигини Мишель Рокар туз-

ган янги ҳўкумат парламентида қўшчилик овозга эга эмаслиги билан асослади. Бу М. Рокарнинг марказчиларни ҳўкумат кабинетидида қатнашишга жалб этишга ури-ниши йўқча чиққан, матўлум бўлиб қолди. Қ. Миттеран президент сайловида унинг номзодини ёқлаб овоз берган кишиларни парламентда зарур бўлган қўшчиликни сайлашга даъват этди.

Улкан телескоп

ТОКИО. Япония олимлари яқин фўрсатда коинот сирларига чуқурроқ кириб бориш имкониятига эга бўладилар. Тез фўрсатда Гавай оролларидаги Мауна-Кеа тоғи чуққисига ўрнатиладиган янги улкан телескоп бу ишда уларга ёрдам бериши керак.

Диаметри 7,5 метрга борадиган бош қўзғу янги инфрақизил рефлектор-телескопнинг негизи бўлади. Ҳозирча жаҳондаги бошқа биронта ҳам рефлектор-телескопда бунчалик катта қўзғу йўқ, дейди «Асахи» илмий ньюс газетаси. Янги телескопни ишга тушириш Япония фанининг оптик астрономияда илгор маъкега чиқиб олишига имкон беради, дейди газети.

Япония радио ва рентген астрономияси соҳасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб

турган ҳолда, оптик астрономия соҳасида ҳозирча бошқа мамлакатлардан анча орқададир. Ҳозир Япониядаги энг катта рефлектор-телескоп қўзғуси диаметри атғи 1,88 метрга боради. Айни маҳалда диаметри 3—4 метрли қўзғу замонавий телескоплар учун одатий ҳисобланади.

Япон мутахассислари янги телескоп лойиҳасини бундан қарийб 10 йил аввал ишлаб чиққандилар. Аммо улар энг муҳим техник вазифа — 20 тоналлик қўзғун салғина бўлсада эгилмайдиган қилиб маҳкамлаш усулини энг сўнгги вақтдагина ҳал этишлари мумкин бўлди. Улар узок вақт изланишлардан сўнг телескопнинг улкан «қўзини» 400 та махсус пружинага ўрнатиш энг пухта усулди, деган хўло-сага келдилар.

Объективда—Англия



АНГЛИЯ. Таниқли инглиз rassоми Жозеф Тернернинг акварель бўёқли расмларидан бири (суратда) Лондондаги ким ошди савдосида рекорд нархда сотилди. «Гранде канал» ва Санта Марии дель Салоте черкови манзараси картнасини Гэрбий германиялик саноатчи Херманн Шнабель 400 минг фунт стерлинга сотиб олди. 1849 йили илхонсига етказилган акварель сўнги кунга қадар rassомнинг савдо агентни авлодларига қарашли бўлиб, 1972 йилдан бери Британия музейида қўзғамга қўйилганди. Бунга қадар инглиз rassомларининг энг қимматга сотилган асари ҳам Тернер қаламига мансуб бўлиб, у бундан икки йил муқаддам 367 минг фунт стерлинга нулланган эди.

АП—ТАСС телефотоси.

Оталар изидан

Токарлик станогини тузатиш бироз кийин бўлди. Ишнинг юришмаётганлиги кекса ишчининг кайфиятидан кўриниб туради. Ниҳоят, у станок роликларини ечиб, арди. Кейин яна жойига ўрнатди. Станок бир маромда айлана бошлади. Токаръ айлана металлни станокка маҳкамлаб, йўнди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, эски станок яна панд берди. Кекса ишчи самарасиз айланаётган иш жиҳозини тўхтатди. Мойли қўлла-ларини артиб, коржомасидан сигарет олиб тутатди. Асаби бироз жойига келди.

Юрий Филипповнинг бу корхонага ишга келганига роппа-роса 25 йил тўлди. Шуниҳи қизиқки, унинг меҳнат стажини билан станогини бир хил. Юрий Иванович асли Краснодар ўлкасининг. Унинг ёшлиги гўзал Краснодарнинг бепоён ўрманзорларида ўтган. Отаси Филипп Иванов моҳир дурадгор эди. Юрий болалигида дурадгорлик ишлариди отасига қўмақлашарди. Иши юришмай қўлиб асабийлашганида отаси босиқлик билан насихат қилар ва доимо бир гапни такрорларди.

— Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва битади. Дурадгор Филипп Иванов 1942 йилда Москва остоналарида фашист босқинчиларига қарши жангларда, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Юрий 1948 йилда денгизчилар мактабига кириб ўқийди. Кейин Сахалиндаги денгиз флотидида ишлайди. 1963 йилининг бошларидида Тошкентга келиб, сантехника жиҳозлари заводининг 1-цехига ишга кириди. Устозлари ўғитига амал қилиб, токарлик касбига астойдил меҳр қўйди. Тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги туғайли тез орада коллективда обрў-эътибор қозонади. 6 ойдан сўнг бу эгил ва уддаворон йигитга янги станок ажратилди. Юрий коллектив ишончини оқлаб, смена-топ-

шириқларини орғин билан боғлаш бироз кийин бўлди. Ишнинг юришмаётганлиги кекса ишчининг кайфиятидан кўриниб туради. Ниҳоят, у станок роликларини ечиб, арди. Кейин яна жойига ўрнатди. Станок бир маромда айлана бошлади. Токаръ айлана металлни станокка маҳкамлаб, йўнди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, эски станок яна панд берди. Кекса ишчи самарасиз айланаётган иш жиҳозини тўхтатди. Мойли қўлла-ларини артиб, коржомасидан сигарет олиб тутатди. Асаби бироз жойига келди.

Юрий Филипповнинг бу корхонага ишга келганига роппа-роса 25 йил тўлди. Шуниҳи қизиқки, унинг меҳнат стажини билан станогини бир хил. Юрий Иванович асли Краснодар ўлкасининг. Унинг ёшлиги гўзал Краснодарнинг бепоён ўрманзорларида ўтган. Отаси Филипп Иванов моҳир дурадгор эди. Юрий болалигида дурадгорлик ишлариди отасига қўмақлашарди. Иши юришмай қўлиб асабийлашганида отаси босиқлик билан насихат қилар ва доимо бир гапни такрорларди.

— Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва битади. Дурадгор Филипп Иванов 1942 йилда Москва остоналарида фашист босқинчиларига қарши жангларда, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Юрий 1948 йилда денгизчилар мактабига кириб ўқийди. Кейин Сахалиндаги денгиз флотидида ишлайди. 1963 йилининг бошларидида Тошкентга келиб, сантехника жиҳозлари заводининг 1-цехига ишга кириди. Устозлари ўғитига амал қилиб, токарлик касбига астойдил меҳр қўйди. Тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги туғайли тез орада коллективда обрў-эътибор қозонади. 6 ойдан сўнг бу эгил ва уддаворон йигитга янги станок ажратилди. Юрий коллектив ишончини оқлаб, смена-топ-

С. ИКРОМОВ.

Чеварнинг бахти

Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида Дилором Пулатовнинг номи алоҳида ҳурмат билан тўғилган. Бу бекиза эмас, албатта. Чўки унинг бирлашмада ишлаётганига 20 йилдан ошди. Шу вақтгача Дилором опа ўзининг фидойилиги билан эъзоз ва ҳурмат топди. У ёшли-гиданоқ тикувчи бўлишни орзу қиларди. Даставвал бирлашма-

га келганида бироз ҳаяжонланганди. Ҳар бир тикимлаётган аёллар, қизлар кўйлақнинг чоклари тўғри ва чиройли бўлиши учун тинимсиз ҳаракат қилди. Ишга берилиб кетганидан баъзан чарчоқни ҳам унутиб қўларди. Ўз ишини астойдил севаганили ушга куч-тавот бағишларди. Ҳатто қизларига ҳам берилиб қўйлақ тикарди. Болалари унинг иши-

ни ҳавас билан қўзатиб туришарди. Кейинчалик қизларидида ҳам тикувчилик касбига меҳр уйғонди.

— Ҳозир мен билан йиқа-ён 2 қизим меҳнат қилмоқда, — дейди Дилором опа Пулатова.

— Катта қизим Насиба саккиз йилдан бери корхонамиздаги 1-цехида ишлайпти. Кичик қизим Наима ўтган йили ўрта

мактабни битириб, бригадамизга ишга келди. Бирганимиз аз-золари билан кулиги норма-ларини орғин билан бажарал-миш. Ҳар кунни қизлар учун 324 та мактаб формаси тикинишми керак. Бу кўрсаткични 370-380 тага етказиб удалаялмиш.

Аваллари корхонада ишчилар фақатгина планини бажариш учун қайғуришарди. Сифатини ўйлашмасди ҳам. Ҳо-

зир эса хоҳлашса-хоҳлашмаси сифатини маҳсулот тайёрлашга масъул. Бугунги кун талаби шуни таъзо элтипти. Дилором опа бу борарда алоҳида тадбиркорлик кўрсатмоқда.

— Дилором опа менинг ҳам мураббийи, — дейди бригада бошлиғи Мунира Саъдуллаева.

— Фақатгина бир мена эмас, балки шу бригадамизнинг кўп-сина тикувчиларига устозлик

қилганлар. Биз ҳаммамиз уни намуна инсон, меҳрибон му-раббий, жонқуяр, ўз ишининг моҳир устаси сифатида ҳур-мат қиламиз. У «Ҳурмат Бел-гис» ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан навоҳдор ҳа-дир. Ўз ишини севаган инсон-гина, шундай буюк бахтга му-шарраф бўла олади.

Н. ҒУЛОМОВА.

Суронли ёшликни эслаб

Ушбу суратларда икки жанглов дўстларини икки даврдиги ҳолатлари ифода этилган. Бири бундан 45 йил муқаддам Ленинград қамалдан Денинград қамалдан кунин олинган бўлса, иккинчиси орадан 45 йил ўтгач шу кунларда олинган. Жанглов дўстларининг бири тошкентлик ўзбек йигити Мухиддин Ғуломов бўлса, иккинчиси чимкентлик қозон йигити Мираҳмад Ҳайитметовдир. Уларнинг ҳар икисини жоняжон шахримиз Ленинградни душман қамалидан озод қилишда жон олиб-жон берган жангчилардир.

Уларнинг дўстлашувини жанг майдонидида юз берди. Улар Ва-тан уруши бошланганда Мухиддин пойтахтдаги 24-ўрта мактабнинг 9-синфидида ўқир эди. Сафарбарлиги эълон қилин-гач, мактабиди дўстларидан ажраб қолганини истамиди. Ни-ҳоят, 1942 йилининг ию-нида комсомол йўлнамиди.

си билан қўлига қўрол олиб фронтга кўчгани. Тўппа-тўғри Сталинград фронтига юбо-ришди. Бу ерда оғир жангларда чинилди. Аммо жангда ўнг қўлига ўнг тегиб, яраланди. Ававал Ульяновск шаҳрида, сўн-гра Челябинск обласидаги Тро-ицкий шаҳридаги госпиталда 2 ой ётиб даволанди. Маълум-ки, бу вақтда Ленинград оғир қамал ҳолатида эди. Шаҳарни қамалдан озод қилиш режалари тузилган. М. Ғуломов жанг-чилар билан Волховстрой ор-қали Ладога қўли бўйига кела-ди.

Қаҳратон совуқ эди. Жангчи-ларни кема орқали Краснобор-га олиб борадилар. Ниҳоят, 1943 йилда қўмондонлигини буғруйига асосан Ленинград фронтини қўшчилари душманга қарши ҳал қилувчи ҳужумни бошлаб юбордилар.

Анда шу оғир жанг ҳақида Мухиддин Ғуломов шундай дейди:

— 9000 кеча-кундуз Денинград қамал даврида Ленинград халқи ҳам, жангчилар ҳам оғир ахволни бошларидан кечирди-лар. Совуқ, бунинг устига озик-овнат етишмас, душман бўлса сувдан, ҳаводан, ердан тиним-сиз ҳужум қилар эди.

Мен қозон йигити Мираҳмад Ҳайитметов билан бирга бўл-дим. Жангчиларимиз олдинги интилардилар. Оғир жанглар-нинг бирида ўнг обғимдан яра-дор бўлдим. Ўзимни билмай ёт-ганимда дўстим Мираҳмад Ҳайитметов мени жанг майдони-дан элтиб санитарияларга топ-ширган экан. Мен ҳужумига кел-ди, Ленинград госпиталида ётганимда, қувончли хабар ешитдим. Ленинград душман куршовидан озод бўлибди.

Ҳам қўйилган, ҳам обғидан оғир жароҳатланган М. Ғуло-мов қайта жангга юзма олма-ди. У госпиталда 3 ой тинсда ётгач, 1943 йилининг 25 апрели-да иккинчи группа инвали-



дига чиқарилиб, Тошкентга жў-риб келди.

М. Ғуломов жоняжон шахри-га қайтгач, дўсти Мираҳмад адресига хат ёзди. Ундан дарак бўлмади. Фақат орадан икки йил ўтгач, М. Ҳайитметов билан мактуб келди. Шундан сўнг улари ака-укадек борди-келди қила бошладилар. Бир не-



ча бор Ленинградга ҳам бо-лишди. М. Ҳайитметов ўзи туғил-иб ўсган Чимкент обласи Сай-рам районида келгач, Ленин номли колхозда бир неча йил раис бўлиб ишлади. Ҳозир у 5 фарзанднинг отасидир. Мухиддин ака Ғуломов 7 фар-занднинг отасидир. Иккинчи ҳам ҳозир меҳнат ветерани.

Қўси ордени ва медалларга



қўла, Ленинградни ҳимоя қи-лишда фидойилик кўрсатган дўстлар ҳамон бир-бирлари би-лан тез-тез учрашиб туради-лар.

Х. ЙУЛДОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: жанглов дўст-лар (чапдан ўнгга) М. Ҳайитметов ва М. Ғуломов уруш йил-ларида ва тинчлик даврида.

Тошкент оқшоми • 3-бет.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «НПС ХХУП» сьезди қарорлари асосида 2000-йилгача Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари туғрисида»ги 1987 йил 15 декабрдаги 512-қарори ҳамда министрликнинг 1987 йил 31 декабрдаги 1073-қарорини бажариш юзасидан, агросаноат комплекси ва сув хўжалиги ташкилотлари ходимларини турар жой билан таъминлаш мақсадида «ИРРИГАТОР»

уй-жой қурилиши кооператив ташкил этилди.

Бундан ташқари «Ирригатор» уй-жой қурилиши кооперативининг омонат доирасида кооператив квартиралар бериш йўли билан Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатади.

Кооператив квартира олиш мақсадидаги ўртоқларнинг қуйидаги адресга мурожаат қилишлари сўрайиз: Собир Раҳимов райони, Библиотечная кўчаси, 3-уй. Телефон: 48-06-79. Қабул куни: сешанба, соат 17 дан 20 гача.

«ИРРИГАТОР» УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КООПЕРАТИВИ.

ХОЖАТБАРОР КАСБ

Страхование агенті касби ана шундай касблардан биридир. Бу касбин Тошкент шаҳар Давлат страхованиеси бошқармаси ҳузуридаги страхование агентларини тайёрловчи қисқа муддатли курсларни тугатиб эгаллашиши мумкин.

КУРСЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН 25—50 ЎШДАГИ ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиб даврида ойига 70 сўм миқдориди ҳақ тўланади.



ПЕПСИ-КОЛА ЧАНҚОҚНИ ҚОНДИРАДИ ВА ТЕТИКЛАНТИРАДИ

Пепси-коланг совутиб қўйиши унутманг. Ана шундагина унинг ўзига хос таъми ва бетакор хушбўй ҳиди яққол намойён бўлади.

Пепси-коланг озиқ-овқат магазинларидан ва гастрономлардан, чанқовбозлик ичимликлар сотиладиган киосклардан, шунингдек «Ором» фирма магазинидан сотиб олиш мумкин.

Баҳоси — 45 тиын.

ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.

«Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1988 йилининг I КВАРТАЛИДА ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИНГ ҲАДАН ТАШҚАРИ ҚИЗИК КЕТИШИ ОҚИ-БАТИДА ТУРАР-ЖОЙЛАРДА 22 ТА ЁНГИН СОДИР БЎЗДИ. ГРАЖДАНЛАРГА ЖИДИЙ МОДИЙ ЗАРАР ЕТДИ.

Телевизорлардан ўт чиқишининг асосий сабаби улардан фойдаланганда ёнғин хавфсизлиги қондаларининг қўпол равишда бузилишидир. Қўпгина телевизорларда мавжуд бўлган сатрли ТВС-90ЛЦ5 трансформаторлар ҳам қўл вақт ёнғин чиқишига олиб келади.

ЁНГИН ЧИҚИШИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЁНГИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ёнғин чиқиши мумкин бўлган сатрли ТВС-90ЛЦ5 трансформаторларни ёнғиндан қўқоқлаш ва таъмирлашнинг тартиб-қоида қўйди. Бу ишни Тошкент шаҳар «Орбита-Сервис» техника маркази бепул амалга ошириб беради.

ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ҚУНИДИГИЛАР ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛИШНИНГ ЭСДА ТУТИШЛАРИ КЕРАК:

— Телевизорлар ремонтини норасмий кишиларга топшириш; қарфолат муддатга ўтгач бир йилда камиди бир марта телевизорларни профилактик кўридан ўтказиши учун ремонт корхонаси мутахассисини уйга чақириш лозим;

— телевизорларда ностандарт предохранителларни қўлланиш;

— телевизорларни тез аланга оладиган ва тарқаладиган предметларга яқин ўрнатиш;

— телевизорларни иситиш приборлари яқинига ёки телевизорларнинг тез совушига имкон берадиган девор мебеллари яқинга ўрнатиш;

— телевизорларнинг шобода юриб турадиган туйнукларни беркийтиб қўйиш;

— телевизорни стабилизаторсиз ностабил кучланишдаги электр тармоғига улаш;

— телевизорларнинг қаровсиз ёнғин қолдириш;

— болаларга қатталар йўқ вақтида телевизорни ёқишга рухсат этиш.

Телевизор тўтай бошлаган заҳоти дарҳол уни ўчириш, агар ёнғин тўхтамас, оловни сув билан ўчириш, телевизор устидан қалин газом билан ёнғин бу телевизор корпусини ичига ҳаво киришини тўтатилади.

Ёнғин вақтида ажралиб чиққан заҳарли ҳид ва тўтунлардан сақланиш учун ҳамма одамларни уй ичидан дарҳол олиб чиқиш, биринчи навбатда болаларни олиб чиқишга ҳаракат қилиш. Телевизорнинг ёнғани ҳақида «01» телефонни орқали ўт ўчириш бўлимига хабар қилиш.

Агар телевизорнингиздаги тасвир йўқолса, қўриллаш овози эшитилса, тўтун ҳиди сезилса телевизорни дарҳол ўчириш ва ремонт корхонасидан уста чақириш. Телевизорни яна қайта ёқиш тақиқланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Ишга таклиф қилади

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА: электр монтерлар, сантехниклар, токарлар, чархловчилар, фрезерчилар, соловчилар (металл қирқувчи станоклар бўйича), газ-электр пайвандчилар, қозонхона лаборантлари, навбатчи электр монтерлар, асбосбоз-слесарлар, санавот асбоб-ускуналари, контроль-ўлчов приборлари ва автоматлари, механика-йигув ишлари бўйича ремонтчилар, инженер-механиклар, электриклар, электрончилар, технологлар, металлургия, математиклар, технолог-программистлар, конструкторлар, контроль-ўлчов приборлари ва автоматлари бўйича инженер ва техниклар

КЕРАК

Справкани ва ишга йўлнамалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ва район Советлари ижроия комитетлари қўшмадаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

Ҳурматли опа-сингиллар!

Агар доимо дилбар ва гўзал бўлишни истасангиз, 104-«ЕШЛИК» САРТАРОШХОНАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Салон Боткин кўчасидаги 6-ўйда жойлашган.

Салоннинг мадақали усталари сочингани юб-тарашади, замонавий молада, қўнғилингдайдек қилиб турмак-лаб қўйишади. Косметика, педикюр ва маникюр кабинетлари сизнинг хизматингизда.



Тошкент шаҳар сартарошлик хизмати комбинати.

19 МАЙДАН 26 МАЙГАЧА

ЭТАДИГАН ЭРКАКЛАР ПОЯФАЗЛАРИ САВДО-КУРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!



Савдо-курғазма «Ташобуэтор»нинг 34-мағазинида (А. Дониш кўчаси, 4-қават, 4-уй) ўтади, телефон 21-02-25. Иш вақти: соат 10 дан 20 гача, танлафус соат 14 дан 15 гача.

Сотувга Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари ишлаб чиқарган пой-афзаллар тақдим этилади.

«Ташобуэтор», «Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийбига доимий ишлаш учун

қурилиш бўйича иш таърибасига эга бўлган нормаловчи-инженер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИГА

катта бухгалтер, «Чимен» туристик комплексига экономист ва план-молия бўлими мудири

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй, 9-подъезд.

ТОШКЕНТ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗСПЕЦАВТОМАТИ. КА» монтаж-созлаш трестининг

ЛОИҲА-СМЕТА БЮРОСИГА

ёнгиндан муҳофаза сигнализацияси ва ёнгинга қарши автоматика бўйича лойиҳа ва смета ишларини бажариш учун барча категориядаги инженерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй, 9-подъезд.

ТОШКЕНТ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗСПЕЦАВТОМАТИ. КА» монтаж-созлаш трестининг

ЛОИҲА-СМЕТА БЮРОСИГА

ёнгиндан муҳофаза сигнализацияси ва ёнгинга қарши автоматика бўйича лойиҳа ва смета ишларини бажариш учун барча категориядаги инженерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй, 9-подъезд.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийбига доимий ишлаш учун

қурилиш бўйича иш таърибасига эга бўлган нормаловчи-инженер

КЕРАК

Истаган имконият қидиради

Ўтган йили баҳорда «Бинокор» командаси мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида муваффақиятсиз қатнашгани туфайли иккинчи лигага тушиб қолган эди. Шундан сўнг «сэйбер» хоккейчиларнинг кўплари коллективни тарк этишди. Команда маҳаллий ёшлар ҳисобида тўдирилди ва кўзда Урал зонасида мусобақаларини бошлаб юборди. Унда саккиз клуб кучлилар баҳсига йўлланма берадиган уч ўрин учун кураш олиб боришди.

Янги йил арафасида ниҳонига етган биринчи босқич ўйинларида «Бинокор» ва Свердловскнинг «Луга» командаларидан кейин учинчи ўринни эгаллашди. Янги биринчи лигага чиқиш учун курашадиган кучлилар сафини қўқоқлашди. Тошкентликларда голлибик учун иштирокчиларга ишонч имконият туғилганда асосий составини беш ўйинчиси хизматга чақирилди. Улар С. Шарифов, Г. Хитрий, Т. Альбетков, С. Якимов ва С. Аскархўжаев эди. Коллектив танг аҳволда қолди. Шундай ҳам ўз мухлисларининг йўқоётган бир пайтда бу қимматга тушди. Устига устак тақрибли 1000 руб. дарвозабон И. Каримов жароҳатланди. Дарвозани ўн етти ёшли У. Қодиров ҳимоя қилди. Пировардига «Бинокор» иккинчи босқичда 36 ўйиндан 12 тасида ғалаба қозониб, 6 тасини дураниг билан якунлади ва 18 марта мағлубиятга учраб 30 очко билан саккизинчи ўринга тушиб қолди.

Ўтган мавсумда «Бинокор» қандай натижага эришгани ҳақида қисқача гапирадиган бўлсак, асосан мана шу. Ўнг ачирларини сўғити йилларда республикаси хоккейи орқасига кетди, олдинги силлимада. Авал биринчи лиганинг ўртамисна командаси бўлган бўлса, энди иккинчи лиганинг. Учрашув кунлари «Юбилей» спорт саройига борган кишининг кайфияти бузилади. Залда ҳеч қим йўқ, бўлса ҳам эллик-олтилик кишидан ошмайди. Ўн йиллар олдин билет етмасди, энди бўлса... Ҳақли савол туғилади. Нима сабабдан шундай бўлди? Орта қараб кетишнинг тўб илдиз қарда ва нимада!

— Командамиз ўтган йили биринчи лига билан хайрлашган, бошқа шаҳарлардан келган 16 хоккейчи турли сабаблар билан биздан кетишди, — дейди катта тренер Владимир Михайлович Погорельский. — Бундан ҳеч ҳафа бўлмадик. Чунки бундайлар асосан ўзлари учун ўйнашадилар. Ҳаммаёнига пул тушиб турса бўлган. Қолгани билан ишлар йўқ. Ўнг катта муваффақиятсизлигимиз ҳам мана шунда. Ўзимиздаги резервга вақтида эътибор бермадик. «Ҳеч бўлмаганидан кеч бўлган» деганларидек уларнинг ўринини ўзимизда тарбия топган ёшлар ҳисобида тўлдиролмадик. Бунгача фақат Шукров ва Илмий Каримовларгина ўзимизники эди. Республика хоккей федерацияси йилнинг охирида коллективни шакллантириб, биринчи лигага қайтиш вазифаси қўйилди. Ўйин, бу вазифани қийналмасдан ундаш учун команда бошлиғи Омон Султонович Му-

саев билан шаҳарма-шаҳар юриб тақрибли ўйинчиларни яна йиғиб келишимиз мумкин эди. Лекин бундан қимга фойда! Яна ўша ўси ҳол тақдорларидан кейин учинчи ўриннинг тарбияланувчилари бир ченкада қолди, кетаверди, спортнинг бу турига қизиқиш эса республикамизда тобора сўзнаварди. Энди бундай ишлар бўлаётганда. Акс ҳолда иккинчи йил ўтиб улар ҳам кетиб қолмасди, яна шаҳарма-шаҳар изғийликларни ўнда бизни ҳеч қим қочирмайдик.

— Хуллас, — гапини давом эттирди В. Погорельский, — аҳолининг ҳозир мактагулик эмас. Очигини айтиш керак, мавсум бошланганди айрим кишилар командани таркатиш юбюрмоқчи бўлишди. Бузиш осон, лекин тиклаш қийин. Масалани жиддий ўйлаб ҳал этиш керак. Хоккейни яроқли, бақувват ўқитиш, янгитлар ўйнашадилар. Агар уларни севишли машғулотларидан маҳрум этсак, уларнинг саломатлиги, спортга ҳиёнат қилган бўлмаймики!

Тан олиш керак: команда ўзига кетган ҳаракатини қўлай олмапти. Келинлар, мушук вазиятдан чиқиш йўллари бирга излабиди.

— Бизда, — дейди Омон ака Мусаев, — аюйиб саройиниз, яхши базамиз бўла туриб ўйинларини ташкил этиш ва реклама қилиш умуман қонир қарсиз аҳволда. Кўпчилик «Бинокор» қачон ўз майдонига ўйнашини билмай қолади. Потеря ҳам ташкил этилди-ю, тинчиди. «Команда» охири марта қим билан учрашди, ҳозир нечаки ўринда деб мухлислар сафардан кайтганимиздан сўнг сўрашди. Вақоланик, шундай маънавларини залга келавердида осиб қўйса бўладики! Спорт зали раҳбарлари бунинг эсларини келтиришмаса керак ҳойнаҳой.

— Мана, бир кўринг-а, — у шундай деб хоккей матчидаги адеб бошқа шаҳарларда чиқарилган программаларни кўрсатди. — Бизда ҳам шу каби йўллар орқали хоккейни оммалаштиришга эътибор берилса бўлмайдики! Бу ҳам рекламанинг бир тури-ку!

Хулоса қилиб айтганда, команда олдинда муаммолар талаяди. Унга ердан зарур. Лекин бу хоккейчиларнинг айби йўқ дегани эмас. Аввало улар яхши ўйин кўрсатишга биринчи лигага қайтишга интилишсин.

Халқимизда аюйиб бир нақб бор: «Истаган — имконият қидиради, истамаган — баҳона». Спорт эса фидойиларини ёқтиради.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: «Бинокор» командаси катта тренери В. Погорельский.

М. Назаров фотоси.



Маданият хабарлари

«АСКИЯБОЗ»НИНГ ПРЕМЬЕРАСИ

Тошкентдаги Фуркат номидаги маданият уйи қўшида ташкил этилган «Аскиябоз» бирлашмаси программаси шўх кулги ва ҳазил-мугилларга жуда бой. Байрам арафасида «Отпочер» ва «Ўзбекистон» маҳаллаларида «Келинг, бир кулшайлик» томошасининг премьераси бўлди. Бу атрофда аскиябозлар мусобақасининг иштирокчилари Д. Раҳимов бошчилигидаги ана шу бир-

лашмани яхши билишади. Бирлашмага халқ озаки ижоди ҳамда халқ ҳазилларининг мухлислари йиғилган. Улар сўз ўйинларида, аччиқ, киноли ҳазил-мугиллариди ишқаслар ва дангасаларни, юлғичлар ва тураларни қаттиқ танқид остига оладилар. Бир сўз билан айтганда, қайта қуришга ҳалақит бераётган кишилар уларнинг назаридан қочиб қутила олмайдилар. (ЎЗТАГ).

ОММАЛАШГАН ПЛАКАТ

Ўзбекистон расмолари-нинг плакат савати жанрида яратилган асарлари гоя-йилги ва тематик ранг-баранглиги билан томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Бундай таъсирчан асарлардан бир нечаси Ўрта Осиё республикалари сий сий плакатлари конкурсида тақдим этилган эди. Яқинда бу ижодий имтиҳонга якун ясади, энг яхши ижод намуналари муносиб тақдирландилар.

А. АЛИЕВ.

РЕДАКТОР Т. М. КОЗОҚБОВЕВ.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва аҳоли — 32-54-74, 32-54-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маъий хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-танатарларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; қатълар ва оммавий ишлар — 32-29-70; редакция — 32-55-37; маоматчилик — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

БУЮРТМАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 12.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телефон: 44-34-26.

Дам олиш кунин — яқшанба.

РЕДАКТОР Т. М. КОЗОҚБОВЕВ.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва аҳоли — 32-54-74, 32-54-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маъий хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-танатарларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; қатълар ва оммавий ишлар — 32-29-70; редакция — 32-55-37; маоматчилик — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

БУЮРТМАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 12.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Телефон: 44-34-26.

Дам олиш кунин — яқшанба.

РЕДАКТОР Т. М. КОЗОҚБОВЕВ.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва аҳоли — 32-54-74, 32-54-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маъий хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-танатарларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; қатълар ва оммавий ишлар — 32-29-70; редакция — 32-55-37; маоматчилик — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

СССР

ЖАМҒАРМАЛАР

БАЙКИ

МУАССАСАЛАРИ



Болалар учун мақсадли омонатларни қабул қилади

БУНДА ОМОНАТ КАМИДА 10 ПИЛ САҚЛАН-ГАН ТАҚДИРДА ОМОНАТЧИ 16 ЎШГА ТУЛИШИ БИЛАН УНГА ИЛИГА 4 ПРОЦЕНТ ҲАЖМИДА ОШИРИЛГАН ДАРОМАД ТЎЛАНАДИ.

Мақсадли омонатлар болаларнинг номига улар 16 ёшга тулганда қадар қариндошлик муносабатларидан қатъий назар ҳамма кишилардан қабул қилинади.

Дастлабки бадал фақат нақд пул тариқасида қабул қилинади, кейинги бадалларини ҳам нақд пул, ҳам пул ўтказиш йўли билан тўлаб бориш мумкин.

Дастлабки бадални